2009 йил 10 декабрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 241 (11.552) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср — интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Баркамол авлод йили" Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:

болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

энг аввало, соғлом наслни, "Соғлом она — соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;

ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш;

нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорти соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илғор, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 9 декабрь*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 — Тошкент 2009



**2010 — Баркамол авлод йили**

## ФАРЗАНДЛАР СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йил мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши соғлом авлодни камол топтириш, юрт келажаги бўлган ёшларни оммавий спортга кенгроқ жалб қилиш борасида амалга оширилаётган улкан ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.**

Бу борада ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни изчил ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва юксак самара бераётган уч босқичли узлуксиз тизим ёш спортчилар сафини кенгайтириш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу баҳсларда чиниққан ёшларимиз кўплаб халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Бундай қувончли ютуқларда хоразмлик ёшларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилояти филиали директори Комилжон Иброҳимов билан ЎзА мухбири шу ҳақда суҳбатлашди.

— Жамғармамиз томонидан жорий йилда ўнта умумтаълим мактаби учун замонавий спорт зали қуриб берилди, — дейди К.Иброҳимов. — Уларнинг аксарияти қишлоқ мактаблари бўлиб, ўқувчилар жисмоний тарбия машғулотларини кенг ва ёруғ спорт масканларида ўтказмоқда. Питнак шаҳридаги ёпиқ сув ҳавзаси қайта реконструкция қилинди. Фойдаланишга топширилган мазкур иншоотлар замонавий спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, хоразмлик ёш спортчиларнинг мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда эришаётган ютуқлари салмоғи ортиб бораётир. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари – 2009» спорт мусобақаларида хоразмлик ўқувчилар фаол иштирок этди. Вакилларимиз учта олтин, ўнта кумуш ва 21 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Бу воҳада жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир.

Хоразмлик чарм қўлқоп устаси, жаҳон чемпиони Мирза Ҳасанов, дзюдо бўйича жаҳон биринчилиги совриндори Дилноза Матниёзова, халқаро турнир ғолиблари – Дилмурод Ҳайитбоев, Дониёрбек Бахтиёр ўғли, самбо бўйича Осиё биринчилигининг олтин медаль соҳибалари – Нилуфар Давлетова, Ўғилжон Рўзметова, совриндорлардан Қаҳрамон Ибодуллаев, Нодира Алибекова ва Шоира Машарипова сингари кўплаб келажаги порлоқ ёшлар мамлакатимиз довруғини оширишга бундан кейин ҳам катта ҳисса қўшишларига ишонамиз.

Фарзандлар соғлиги эл бойлигидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, спорт – соғлом авлод, соғлом келажак, деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

**Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар 7-клиник шифохонасида шифокорлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Конституциямиз — фаровон ҳаётимиз манбаи» деб номланди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган «Асосий Қомусимиз — фахримиз» танлови ғолиблари тақдирланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида Юнусобод туманида истиқомат қилаётган имконияти чекланган инсонлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида «Меҳр ва мурувват — миллий фазилатимиз» шиори доирасида хайрия тадбири ва концерт дастури уюштирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** маданият коллежида Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Биз бефарқ эмасмиз» мавзуида уюштирилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар, имконияти чекланган инсонлар иштирок этишди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун. Шу муносабат билан жойларда турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда.**
- **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида Навоийда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси қошидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази қошида «Қалб меҳри» ўқув-ишлаб чиқариш маркази очилди. Мазкур марказда оғир ҳаётий вазиятларга тушиб қолган аёлларга руҳий, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатилади, шунингдек, улар ишга жойлаштирилади.**
- **Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш» қўшма лойиҳаси доирасида анжуман бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахборотлари Миллий институтида кредит ахборотларининг ягона Давлат реестри шакллантирилди.**
- **Самарқандда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий кўрик-танлови ўтказилди.**
- **Бугун Тошкентдаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Ҳамар» кўргазмалар мажмуасида ихтисослашган «Sport-Expo-2009» кўргазмаси ўз ишини бошлади.**
- **Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғида саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи фаолият бошлади. Ўқув даргоҳининг муҳташам биносини бунёд этиш учун «ХКМС-1» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 2 миллиард 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Шу тариқа тумандаги касб-ҳунар коллежлари сони 7 тага етди.**
- **Бухоро вилояти Шофиркон тумани марказидаги «Нажмиддин Наимжон» корхонаси қошида янги технологик анжомлар билан жиҳозланган нон ва булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех фойдаланишга топширилди. Янги цехда бир кеча-кундузда 1 тоннага яқин 8 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Цехнинг фаолият бошлаши 12 кишининг иш билан таъминланишига имкон яратди.**

### ЖАҲОНДА

- **Бугун Норвегия пойтахти Осло шаҳрида АҚШ Президенти Барак Обамага Нобелнинг халқаро Тинчлик мукофоти топширилади.**
- **Молдова парламентида президентни сайлашга тўртинчи уриниш ҳам самара бермади. Бу гал 4 та партияни бирлаштирган ҳукмрон коалициядан президентликка номзоди кўрсатилган Демократик партия етакчиси Мариана Лупу учун 53 нафар депутат овоз берди. Президентликка сайланиш учун эса 61 нафар депутат овоз бериши керак эди.**
- **Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефтнинг нархи сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди.**
- **Латвия парламенти атрофида Давлатнинг иқтисодий сиёсатига нисбатан норози бўлган 9 киши муддатсиз очлик эълон қилди.**
- **Бразилия ва Уругвай ҳукуматлари давлатлараро икки томонлама савдо-сотиқда АҚШ долларидан воз кечиб, маҳаллий валютадан фойдаланиш тўғрисида ўзаро келишув битими имзоладилар.**
- **Ривожланаётган мамлакатларга ҳавонинг глобал исиб кетишига қарши курашиш учун Швеция 800 миллион евро миқдоридаги маблағни ажратди.**
- **Кеча Қорачой-Черкесияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган махсус операция чоғида 3 та жангари йўқ қилинди.**
- **Швейцарияда қуёш батареялари ёрдамида учадиган самолёт синовдан ўтказилди. Техника мўъжизаси дея эътироф этилаётган мазкур самолёт тўртта двигателга эга бўлиб, у илк парвози чоғида бир неча метр баландликка кўтарилди. Мутахассислар самолётни янада такомиллаштириш учун дастлабки синовдан тегишли хулосалар чиқарганликларини билдиришди.**
- **Япониядаги Эпидемиологик тадқиқот марказининг бир гуруҳ олимлари A/H1N1 гриппига қарши самарали даволаш воситаси яратилганини билдиришди. Янги препарат сичқонларда синаб кўрилганда ижобий самара берган. Якуний таҳлиллардан сўнг эса амалиётда қўллаш учун тавсия қилинади.**

# ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Сўнгги йилларда республикамизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи ва ривожлантирувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса мамлакатимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини қисқартириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги катта ижобий қадам бўлди.**

Турли шаклдаги тадбиркорлик субъектларининг темир йўл транспорти фаолияти ривожига қўшаётган роли ва аҳамиятини ҳисобга олиб, "Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси томонидан улар қўллаб-қувватланиб, ҳар томонлама ёрдам бериб келинмоқда. Ҳозирги пайтда республикадаги ўттизга яқин хўжалик юритиш субъектлари кичик тадбиркорлик борасида ҳам иш юритиб, темир йўл ва ҳаракат таркибларини таъмирлаш билан шуғулланиб келмоқда. Инспекция томонидан бундай тадбиркорлик билан шуғулланадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ўртасида олиб борилаётган профилактик тадбирлар кўпайтирилди. Мисол учун, 2009 йилнинг 11 ойи давомида инспекциянинг Тошкент филиали ходимлари томонидан 25 маротаба семинар машғулотлари ўтказилди. Бундай тадбирлар техник жараёнларда камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилди. Профилактик йўналишдаги чора-тадбирлар натижасида ушбу корхоналарнинг шохобча йўллари ўз вақтида таъмирланди, яроқсиз ҳолга келиб қолган шпал ва рельслар янгиланди. Масалан, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги "Султонбекгазмақсадий", "Ўткир", "Мирвали" хусусий корхоналари, "Файз фундейшин", "Сиб Акбар", "Фозилхон файз", "Таъминот Мурод", "Атлас лагистик" МЧЖ йўлларида капитал таъмир ишлари бажарилиб, емирилган рельслар, яроқсиз шпаллар алмаштирилди, аниқланган 63 та камчилик ўз вақтида тугатилди, корхоналар йўлларидаги 26 та стрелкали ўтказгичлар ҳам жорий таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари 2009 йилнинг ўтган ойлари давомида Тошкент филиали томонидан 26 та тадбиркорлик субъектларида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилди. Бу тадбирда ҳар бир ташкилотдаги темир йўл тизимида юзага келаётган муаммолар муҳокама қилинди ва уларга назарий ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Темир йўлда иш юритиш, меъёрий ҳужжатлар билан қай тариқа ишлаш масалаларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларидаги тадбирларда инспекция ходимлари кадрларни ўқитиш сифатига, етук кадрлар ва малакали локомотив бригадалари тайёрлашга катта эътибор қаратишмоқда. Шунингдек, бу корхоналарни меъёрий ҳужжатлар, зарур йўриқномалар, услубий қўлланмалар ва темир йўл транспортидан фойдаланишга оид кўргазмали қуроллар билан таъминлашда ҳам кўмаклашишмоқда. Ўтказилган семинар машғулотларида суратлардан ва видеоматериалларидан фойдаланилаётгани ҳам яхши самара бермоқда.

**Ҳусниддин ОТАХЎЖАЕВ,**
**"Ўздавтемирйўлназорат" инспекциясининг Тошкент филиали бошлиғи**



***Миробод туманидаги 162-сайлов участкасида ҳам сайловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Номзодлар тўғрисида маълумотлар, сайлов қонунчилиги бўйича қўшимча адабиётлар, сайловларга оид материаллар чоп этилган газеталар тахламларидан аҳоли ўзини қизиқтирган маълумотлар билан танишмоқда. Куни кеча эса биринчи марта овоз берувчи 13 нафар ёшлар билан комиссия аъзолари, «Ўзбекистон» маҳалласи фаоллари иштирокида учрашув ўтказилиб, ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.***

**СУРАТДА: 162-участка сайлов комиссияси аъзолари навбатдаги иш режасини муҳокама қилишмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Куни кеча Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежида қадриятларимиз инъикоси, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунга 17 йил тўлишига бағишланган катта маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирлар

## КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Тадбирни кириш сўзи билан очган коллеж директори Норпошша Мирсагатова ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати, тараққиётнинг қудратли қуроли, ҳаёт дарслиги бўлган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, шу заминда яшаб турган ҳар бир инсон уни албатта яхши ўрганиши ва унга амал қилиши, қонунларни яхши билган инсонгина ҳаётда ҳеч қачон қоқилмаслиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Коллежнинг иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларидан иборат «Қалқон» ва «Демократия» жамоалари ўзаро беллашган ушбу тадбирда қатнашчилар Асосий Қонунимизни ўрганиш борасидаги бор билим ва кўникмаларини намоён этдилар. Шунингдек, тадбирда Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари мавзусидаги деворий кўргазмалар танлови ҳам ўтказилиб, ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

— Коллежимизда 920 нафар ўқувчиларга 70 нафар ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчилар бор маҳорат ва билимларини ишга солган ҳолда илғор технологиялар асосида сабоқ бериб келмоқдалар, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Олимжон Мелибоев. — Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёти учун хизмат қиладиган Бош Қомусимизнинг қадр- қиммати ҳамда унда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш ҳамда бор билимларини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Тадбир давомида танловда фаол иштирок этган Аслиддин Хўжанов, Маҳбуба Асомова каби бир қатор ўқувчилар ва ғолибликни қўлга киритган 74-, 73-, 78-гуруҳларга, «Қалқон», «Демократия» жамоаларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

## ЕХҲТ/ДИИҲБ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

**Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросидан (ДИИҲБ) сайловларни баҳолаш бўйича 13 кишидан иборат миссияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.**

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси халқаро кузатувчиларига мандатлар топширилиши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар фикр алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов ДИИҲБ вакилларига Марказий сайлов комиссияси амалиётида биринчи марта жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ҳақида сўзлаб берди ҳамда ушбу Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашув чоғида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси экспертлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга, жумладан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайловда иштирокининг ҳуқуқий асослари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги саволларга жавоб олдилар.

— Биз Ўзбекистон томонининг ҳамкорликка тайёр эканига гувоҳ бўлдик ва биргаликда самарали ишлай оламиз деб ўйлайман, — деди ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси раҳбари Иоланда Брунетти. — Миссиямиз Ўзбекистонга сайловларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида ташриф буюрди. Мен мамлакатингизда сайлов қонунчилигининг ривожланишини изчил кузатиб келмоқдаман ва ҳозирги кунда бу борада кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганига ишонч ҳосил қилдим.

Миссия раҳбарининг таъкидлашича, ДИИҲБ сайловларга тайёргарлик ишлари билан танишиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бир қанча сайлов участкаларини бориб кўришни режалаштирмоқда.

Миссия экспертлари Ўзбекистонда 31 декабргача бўлади. Миссия ўз фаолияти давомида Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш, шунингдек, ДИИҲБнинг аввалги тавсияларининг амалга оширилишини баҳолайди ҳамда баҳолаш якунлари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Экспертлар давлат органлари вакиллари, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, суд органлари, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида жамғариб бориладиган пенсия бадали тушумлари бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғри амалга оширилиши ва доимий ишловчи ҳар бир ходимга Халқ банкида ҳисоб варақлар очилганлиги ҳамда уларнинг ҳисоб варақларига келиб тушган суммаларни акс эттиришни назорат қилиш борасида Учтепа тумани солиқ инспекцияси томонидан ҳам самарали амалий ишлар қилинмоқда.**

Солиқ

## САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ноябрь ҳолатига жамғариб бориладиган пенсия бадали тушумлари 653719,5 миллион сўмни ташкил қилади. Биргина октябрь ойида 85520,41 миллион сўм бадал тушумлари тушган. Бу эса ўтган ойларга нисбатан анча баланд кўрсаткичдир.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида туман ДСИдан рўйхатдан ўтган барча иш берувчи юридик шахсларнинг иштирок этиши тўлақонли таъминланган.

Тизимда иштироки мажбурий бўлмаган 137 та корхона бўлиб, уларда 401 нафар ишчи мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойида солиқ органлари томонидан 160 та ҳужжатли текширишлар ўтказилган. Текширишлар жараёнида 22 корхонанинг қонунчилик талабларини бузганлиги аниқланди. Шундан 12 таси белгиланган маълумотни тақдим этмаган. 10 таси тушумларни ўтказиб бермаган. Текширишлар натижасида 984,81 сўм қўшимча ҳисобланган бадаллар аниқланган.

Текширувлар натижасига кўра 21 та материал МЖТКнинг 179-2-моддасига асосан маъмурий жазо чорасини қўллаш учун суд органларига юборилди. 24 та мансабдор шахсларга нисбатан 1215,60 сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

**Ашраф ОЛИМОВ,**
**Учтепа тумани ДСИ жамғариб борилаётган пенсия бадалларини текширишни назорат қилиш шўъбаси бошлиғи**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига биноан жорий йилнинг 10 декабридан мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ойликнинг йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти, мақсад ва вазифалари хусусида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Азиз ИНОЯТОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

Долзарб мавзу

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш масаласига доимо устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар, жумладан, болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва равонлигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони тобора ортиб бораётир. Бу юртимизда автомобилсозлик саноати ривожининг ва халқимиз фаровонлиги изчил юксалаётганининг самараси. Шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш, ходимлар малакасини узлуксиз ошириш, хизмат тизимини замонавий асбоб ва техника билан жиҳозлашни тақозо этади.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи якуни бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, содир бўладиган турли нохуш ҳолларни камайтириш борасидаги тадбирлар ўз самараларини бераётганини кўрсатади. Шунга қарамай, йўлларда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлаётир.

Олиб борилаётган тадбирлар натижасида шу йилнинг ўн бир ойи давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 2008 йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча камайишига эришилди. Аммо йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқорилигича қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Афсуски, бундай ҳодисалар оқибатида 2 минг 15 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 10 минг 484 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Таҳлиллар бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январигача давом этадиган ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан мақсад ҳам айнан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу боис мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилади. Хусусан, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойлар яна бир бор кўриб чиқилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади.

Ҳукуматимиз фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Барча вилоятларда ойликни самарали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор идораларнинг вазифалари белгиланди. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган «Болалар автошаҳарчалари» барпо этилмоқда.

Тадбир доирасида мактаблар ва болалар боғчаларида йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтароқ ўргатишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зотан, нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг муайян қисми болалар иштирокида рўй бераётгани ташвишланарлидир. 2009 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1717 йўл-транспорт ҳодисаси айнан болалар билан боғлиқ ҳолда юз берган. Бу ҳодисаларда 261 норасида ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 1541 бола турли даражадаги тан жароҳати олди.

Бу болалар орасида тушунтириш ишларини янада яхшилаш кераклигини тақозо этади. Чунки йўл ҳаракати қоидасини барча яхши билиши ва унга тўла амал қилиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари нафақат кўчаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилмоқда, балки ўқув, мактабгача тарбия муассасаларида, маҳалла ва жамоат жойларида болалар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда, кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани йўлларда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Салоннинг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан бундай воситаларни ўрнатиш тақиқланади.

Бундай чора-тадбирлар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Афсуски, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига беписанд муносабатда бўлаётган ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили, аввало, ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликка риоя этмаслиги, йўлчироқ ишораларига нисбатан эътиборсизлиги, маст ҳолда транспорт бошқариш ва бошқа қоидабузарликлар туфайли юз бераётганини кўрсатмоқда. Бу эса жойларда ўтказилаётган тадбирлар изчил амалга оширилмаётгани, маҳаллий ҳокимлик, идора ва ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалага етарлича масъулият билан ёндошмаётгани оқибатидир.

Вазирлик ва идоралар томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилгани, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг етарли даражада ўтказилмаётгани, транспорт воситаларининг техник ҳолатига эътиборсизлик оқибатида ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган бахтсиз ҳодисалар ортаётгани кузатилмоқда.

Йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш — бизнинг бош мақсадимиз. Бу хайрли ишда биз бутун жамоатчиликка таяниб иш кўрамиз. Мамлакатимизда бошланган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

**Беҳзод НОРБОЕВ**
**ёзиб олди.**

## ВАТАННИ УЛУҒЛАР БАРКАМОЛ ЁШЛАР

**Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазма залида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг «Ватанни улуғлар навқирон ёшлар» мавзуидаги бадиий кўргазмаси ташкил этилди.**

Кўргазмада ўндан зиёд ёш ижодкорнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, бадиий кулолчилик, хаттотлик, миниатюра, компьютер графикаси ва бадиий фото, ёғоч ўймакорлиги сингари йўналишлардаги уч юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.

— Кўргазмада ёғоч ўймакорлиги асосида яратилган лавҳ, зеб-зийнат қутиси, турли уй-рўзғор буюмлари каби олтмишга яқин ишим билан қатнашяпман, — дейди ёш уста Камолиддин Раҳимов. — Ёғоч ўймакорлигига болалигимдан қизиқаман. Бундай кўргазмалар маҳсулотимизни кенг намойиш этиш билан бирга, тажриба алмашиш, тенгдошларимизнинг ижод намуналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

**(ЎзА)**

Тадбирлар

# СИЗГА СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ

